

## Үзаро ҳамкорлик келажакда ўз самарасини беради

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни ва суд тизимиға оид ислоҳотларни амалга ошириш суд идораларининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шунингдек, мазкур вазифани амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар қаторида вилоят ва туман ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳам муҳим рол йўйайди. Фарғона вилоят судининг фуқаролик судлов ҳайъати раиси ҳамда Фарғона вилоят ҳокимининг маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бошқармаси бошлиғи томонидан 2022 йил 1 февралда тасдиқланган меморондумнинг худудлардаги ижросини таъминлаш ҳамда оиласи әжримларни олдини олиш мақсадида 2022 йил 16 февраль куни Риштон туманида маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда семинар машғулоти ўтказилди. Семинар машғулотларида Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари О.Хасанов ҳамда фуқаролик ишлари бўйича Риштон туманлараро суди раиси А.Разиков оиласи әжримларни олдини олиш, низоли оиласлар ўртасида тушунтириш ишларини амалга оширишда биринчи навбатда маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг оила ва хотин қизлар бўйича маслаҳатчиларнинг роли жуда муҳим эканлигини такидлаб, оиласи ҳизоларни олдини олиш учун амалга ошириши лозим бўлган чоралар ҳамда оиласи ҳизоларнинг ўзига хос ҳуқуқий томонларини ва ҳозирда долзарб масалалардан бири бўлган коррупция масаласига эътибор қаратиб, коррупциянинг оқибатларини семинар иштирокчиларига етказдирди. Семинар машғулотлари савол жавобларга бой бўлиб, туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг оила ва хотин қизлар бўйича маслаҳатчилар ўз амалиётида дуч келадиган муаммоли ҳолатлар юзасидан саволлар беришди. Фарғона вилоят суди раиси ўринбосари О.Хасанов муаммоли ҳолатлар юзасидан берилган саволлар бўйича асослантирилган жавоблар берди. Семинар якунида “Чақалоқ ва одам савдоси”, “Уй-жой ҳизолари”, “Никоҳ ва оила конституция ва қонунларимиз ҳимоясида” буклетлар ва бошқа тарқатма материиллар тарқатилди. Келгусида маҳалла ва оиласи қўллаб қувватлаш бўлимлари билан судлар ўртасида бу каби тадбирларни доимий ўтказиш белгилаб олинди.

2022-02-16 20:55:26